



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 22-23 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурида олий даражадаги музокаралар ҳамда икки мамлакат етакчилари иштирокидаги бошқа тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Кун тартибидан Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада мустақкамлаш

ва устувор йўналишлардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган. Музокаралар якунида икки томонлама битимлар қабул қилиниши режалаштирилган.

ЎЗА

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН:

ИККИ ҚАРДОШ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ МУСТАҚКАМ ШЕРИКЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 22-23 АВГУСТ КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ОЗАРБАЙЖОНДА БЎЛАДИ

Озарбайжон 1991 йил 28 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини тан олди, 1995 йил 2 октябрда мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида тарихан шаклланган яқин дўстона муносабатлар ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги

босқичга кўтарилган. Олий даражадаги мунтазам ва самарали мулоқот тўғрисида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги стратегик шериклик ҳамда кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари барча йўналишларда жадал раванқ топмоқда.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Жонажон Ўзбекистонимизнинг бетақорр табиати, унинг бой ўсимлик ва ҳайвонот олами, гўзал боғ ва хиёбонлари миллий бойлигимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу неъматларни аждоқларимиз бир неча юз йиллар асраб-авайлаб, келгуси авлодлар учун улкан мерос қилиб қолдирган.

Аждоқларимиз ўз юртини, яшаган манзил-маконини обод қилиш, боғ бўстонлар яратишга катта эътибор қаратган. Амир Темури бобомиз бунёд этган, Алишер Навоий бобомиз ташаббуси билан яратилган боғу роғлар, Захриддин Муҳаммад Бобур томонидан барпо этилган “Боғи Бобур” ҳали-ҳамон тиллардан тушмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бунёд этилган “Янги Ўзбекистон” боғи ҳам ана шу эзгу анъаналар давоми бўлиб, мамлакатимизда янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш йўлидаги интилиш ва ислохотларимизнинг гўзал тимсолига айланди. Боғ марказий қисмидаги Мустақиллик монументи халқимизнинг тарихий хотираси, орзу-умидлари билан ҳамоҳанг мухташам бадийи обиди сифатида барчамиз учун қадрлидир.

Бу гўзал боғнинг салобатига қараб, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия-хонимнинг “**Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали...**”, деган сатри ёдимизга тушади. Ҳақиқатан, ушбу боғда пойтахтимиз аҳолиси, мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларидан, хориждан келадиган меҳмонлар яйраб дам олиши, одамларимиз оиласи, фарзанд ва набиралари билан бирга мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилмоқда. Ҳадемай бу максаддаги ниҳоллар кўкка бўй чўзиб, сўлим хиёбон тусига қиради. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида барпо этилаётган янги боғ ва хиёбонлар учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Қадри қуртдошлар!

Доно халқимизда “**Умрингдан бир кун қолса ҳам кўчат эк**”, деган пурҳикмат нақл бор. Ота-боболаримиздан мерос миллий қадрият ва анъаналаримизнинг ажралмас қисми бўлмиш дарахт экиш, боғу гулзорлар яратиш борасидаги гўзал одатларимиз бугунги кунда янги маъно-мазмун билан бойиб, кенг миқёсда давом этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда “**Яшил макон**” умуммиллий лойиҳасига асос солинди. Мазкур халқ ҳаракати натижасида ҳар йили

миллионлаб туп дарахт ниҳоллари экилмоқда, янги ўрмон ва боғлар яратилмоқда. Яшил ўрмон ва дарахтзорлар, боғу роғлар атроф-муҳитни мусавво сақлаш, экологик тизимни ва иқлимни барқарорлаштириш, тупроқ ва ҳавони тозалашда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, **яшиллик олами — бу тоза ҳаво, соғлом ҳаёт, узоқ умр демекдир.**

Шунинг учун ҳар биримиз бугунги ва келажак авлодлар олдидаги масъулият ва жавобгарлигимизни чуқур ҳис қилиб, “**Яшил макон**” лойиҳаси атрофида янада жипс бўлиб бирлашайлик!

Хонадонларимиз, томорқалар, маҳаллаларимиз, кўп қаватли уйлариимиз атрофида терак, туг, узум каби юртимиз иқлим шароитига мос дарахтлар экиб, уларни авайлаб парваришлаб, боғ-роғларни кўпайтирайлик!

Кўп миллатли Ўзбекистон халқи жорий йилда бўлиб ўтган муҳим сиёсий тадбирлар — янгилаган Конституцияимиз бўйича умумхалқ референдуми ҳамда Президент сайловида юксак фаоллик, дахлдорлик, аҳиллик ва ҳамжихатлик фазилатларини кўрсатди. Ватан ва халқ манфаати

йўлида қандай қудратли кучга айланиши мумкинлигини бутун дунёга намён этди.

Барчамиз учун муқаддас бешик бўлган она Ватанимизнинг бетақорр табиати, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш, уни авлодларимизга безавол етказишда ҳам ана шундай ҳислатларимизни, буюк бунёдкорлик салоҳиятимизни амалда намён этайлик!

Ерга ниҳол экиш, парваришлаб янги боғларга айланиши учун эътибор ва ғамхўрлик қилишда шахсий намуна кўрсатиб, ташаббускор бўлайлик!


Бутун дунёда иқлим ўзгаришлари рўй бериб, глобал исилнинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда она табиатга бегисанд муносабатда бўлиш, унга зарар етказиш ҳолатларига муроасиз бўлайлик!

Одамларимизга асрлар давомида ўз исботини топиб келган “**Нимани хор қилсанг, ўшанга зор бўласан**”, деган ҳаёт ҳақиқатининг туб моҳиятини, табиатга хиёнат Ватанга хиёнат билан баробар гуноҳ эканини тушунтирайлик!

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ТАДБИРКОРЛИК ДАВРИ



Мамлакатимизда тадбиркорлар замони келди, десам орғиқча муболагага йўманг. Чунки ҳозир деҳқончиликдан тортиб ишлаб чиқаришгача, саноат занжирини яратишдан то йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишгача — барида хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти яқин 6-7 йилда тадбиркорлигини бошлаб, халқимиз орасидан чиқаётган янги Ўзбекистон ишбилармонларидир.



Улар кейинги йилларда соҳа вакиллари яратилаётган қатор энгилликлар, эркинликлардан куч олиб, иқтисодийтимиз локомотивига айланиб бормоқда. Етти йил олдин бошланган амалий ишлар самараси юртимизда ишбилармонлик муҳити тараққиёт этиб бораётгани, янги-янги тадбиркорлик субъект-

лари ташкил этилгани, аҳолининг салмоқли қисми шу соҳада меҳнат қилаётганида ҳам яққол намён бўлмоқда. Ислохотлар айна шу орғиқли нуқтадан бошлангани бежиз эмас. Чунки илгари бир тадбиркор иш бошласа, фаолиятига аралашиб, ҳуда-беҳуда текшируви билан тўсиқ

қўядиганлардан кўпи бўлмасди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, бозор топиш, янги иш ўрни яратиш — барчаси катта машаққат, бу ёқда тадбиркорга ёрдам бериш ўрнига унинг ишига ҳалақит қилишлар, албатта, ривожланиш йўлидаги тўсиқ эди.

Давоми 3-бетда

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19-20 август кунлари Венгрияга амалий ташрифи халқаро экспертлар диққат марказида бўлди.

Ван ХАНЬ, “Чен Кунь” бизнес мактаби лойиҳа раҳбари (Хитой):

сармовий ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Бунинг шарофати билан Европа йўналишидаги ҳамкорликда катта муваффақиятлар қўлга киритилапти.

— Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон кейинги йилларда барча давлатлар билан савдо-иқтисодий ва

Давоми 2-бетда

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ



“Тўп вақти”дан 15 МИНГ ТОННАЛИ РАДИОАНТЕННАГАЧА

Ўзбекистон астрономиясининг ўтмиши, бугуни ва истиқболи

Бу йил юртимиздаги энг нуфузли илмий муассаса — Фанлар академияси ташкил этилганининг 80 йиллиги кенг нишонланмоқда. Таркибига қирқдан зиёд йирик илмий текшириш институтини жо қилган академия Иккинчи жаҳон урушининг қизгин палласида — 1943 йилда мамлакатимиздаги бир неча илмий тадқиқот ташкилоти асосида ташкил этилган. Улар орасида Тошкент астрономия обсерваторияси ҳам бўлган.

Давоми 5-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



МИЛЛИЙ ТАЯНЧ ТАМОЙИЛЛАР

4

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН



ЧЕККА ҚИШЛОҚДАГИ САЙЁР ҚАБУЛ

4

ОЛИЙ ТАЪЛИМ



ФАРЗАНДЛАРИМИНИ ЎҚИТОЛМАГАНДИМ

5

ТАҚДИМОТ



“ЯНГИ МЎЙНОҚ” КИТОБИНИ БИР ВАРАҚЛАНГ...

6

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН: ИККИ ҚАРДОШ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ МУСТАҲКАМ ШЕРИКЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 22-23 АВГУСТ КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ОЗАРБАЙЖОНДА БЎЛАДИ

Бошланғичи 1-бетда

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг 2022 йил 21-22 июнь кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлди, чунки унда икки давлат ўртасида Стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги декларация қабул қилинди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарлари 2022 йил сентябрь ойда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши доирасида Самарқанд шаҳрида ҳам учрашди, унда раислик қилаётган мамлакатнинг фахрий меҳмони сифатида Президент Илҳом Алиев иштирок этди.

Уша йили 10-11 ноябрь кунлари Президент Илҳом Алиев рафиқаси, биринчи вице-президент Меҳрибон Алиева билан биргаликда Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишида иштирок этиш учун Самарқанд шаҳрига ташриф бурди.

Жорий йил 1-2 март кунлари бўлиб ўтган Қўшilmаслик ҳаракати саммитидаги иштироки доирасида икки мамлакат Президентлари Бокуда учрашдилар. 2017 йилдан буён олий даражадаги мулоқотнинг фаоллашуви делегациялар алмашуви жадваллаштиришга кўмаклашмоқда. 6 йил давомида томонларнинг 70 дан ортиқ юқори даражадаги ташриф алмашуви бўлиб ўтди.

Парламентларо ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. 2020 йили икки мамлакат кўнун чиқарувчи органлари — Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Озарбайжон Миллий Мажлисида парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари тузилди. 2022 йилда икки мамлакат парламентлари палаталарининг раислари ва спикерларининг ўзаро ташрифлари бўлиб ўтди, ташрифлар давомида улар Ўзбекистон Президенти ва Озарбайжон Президенти томонидан ҳам қабул қилинди.

Парламентлар вакиллари Ўзбекистон ва Озарбайжонда бўлиб ўтган Президент ва парламент сайловларида халқро кузатиш сифатида, шунингдек, халқро аҳамияти молик турли тадбирларда мунтазам равишда иштирок этиб келмоқда.

2016 йил сентябрь ойдан буён икки мамлакат таши сиёсат идоралари раҳбарлари даражаида еттига учрашув ўтказилди.

2022 йил 1 август куни Тошкентда Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия таши ишлар, иқтисодиёт ва транспорт вазирларининг биринчи уч томонлама йиғилиши ташкил этилди, унинг якунлари бўйича Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, МДҲ ва Қўшilmаслик ҳаракати доирасида яқиндан ҳамкорлик қилаётгани баробарида бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон БМТнинг халқро кун тартибидagi асосий масалалар, жумладан, хавфсизликка замонвий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш, ядро қуроллини тарқатмаслик режими ни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари химояси, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш ва бошқа йўналишлар бўйича ўхшаш нуқтаи назарларга эга.

Озарбайжон Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиёда ҳамкорликни мустаҳкамлаш (2018), диний бағрикенглик (2018), сайёҳликни ривожлантириш (2019), Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш (2021), Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш (2022), Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жаддаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш (2022) бўйича қабул қилинган резолюцияларни қўллаб-қувватлади ва ҳаммуаллиф бўлди.

Шунингдек, Озарбайжон Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош Ассамблеяси 25-сессияси 2023 йилда Самарқанд шаҳри ўтказилиши учун унинг номзодини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон ва Озарбайжон бошқа давлатлар билан биргаликда ЮНЕСКО Репрезентатив руйхатида туртта кўп миллатли файли — Наврўз (2016), Мингаторо санъати (2020), Ипакчилик ва тўқш учун аънавий ипак ишлаб чиқариш, Хўжа Насриддин ҳақидаги латифаларни такрорлаш аънаваларини (2022) киритди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо алоқалари эркин савдо режимида амалга оширилмоқда. 1998 йилда тузилган Ҳамкорлик бўйича ҳуқуқматлар оро кўшма комиссия савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг самарали механизми ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги товар айланмаси 2016 йилдан буён 6 баробар ошди. 2022 йил якунлари бўйича 180 миллион доллардан зиёд янги ташкил этди. Жорий йилда ҳам савдо айланмаси ўсишда давом этди — 2023 йилнинг 7 ой давомида бу кўрсаткич 144 миллион долларга етди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Озарбайжон капитални иштирокидagi 203 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий фаолият йўналишлари савдо, машинасозлик, металлга ишлов бериш, молия ва сурғута, кўчмас мулк, энергетика, хизматлар, заргарлик

бўюмлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва енгил саноатни қамраб олган.

2020 йили ташкил этилган Ўзбекистон — Озарбайжон ишбилармонлар кенгаши муваффақиятли фаолият юритаётгани ҳолда мунтазам равишда турли йиғилишлар ўтказмоқда.

Жорий йил февраль ойда Ўзбекистон ва Озарбайжон устав капитални 500 миллион долларни ташкил этадиган инвестиция жамғармасини тузди. Жамғарма маблағлари кўшма лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади.

2021 йилдан буён икки мамлакат тадбиркорлари кооперация йўналиши ва сармовий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган бизнес форумлар ва кўргазмалар доирасида бир неча маротаба учрашди. Уларнинг якунлари бўйича ўн миллионлаб АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланди.

Транспорт соҳаси Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг иқтисодий равақи учун муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда Озарбайжон ва Ўзбекистон ўз салоҳиятларини теран англаган ҳолда Марказий Осиё ва Кавказнинг марказий хабиға айланаш учун миллий ва минтақавий кўпайтиради ва нафақат икки мамлакат, балки бутун минтақа миқёсида транзит салоҳиятини оширади.

Бундай шароитда мамлакатларимизнинг ушбу икки минтақани боғлайдиган транспорт йўлакларини ривожлантиришга интилиши жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўзаро юк ташки ҳажмини кўпайтиради ва нафақат икки мамлакат, балки бутун минтақа миқёсида транзит салоҳиятини оширади.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги минтақаларо ҳамкорлик ҳам сезиларли даражада фаоллашди. Хозирги кунда Бокудан Тошкент, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларига тўғридан-тўғри ҳаво қатновлари амалга оширилмоқда. Минтақавий делегацияларнинг ўзаро ташрифлари мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Жорий йил февраль ойда Тошкентда Ўзбекистон — Озарбайжон минтақаларининг биринчи форуми бўлиб ўтди. Самарқанд ва Ганжа, Хива ва Шуша, Бўхоро ва Ланкоран, Кўкчи ва Шеки шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев билан Тошкентда бўлиб ўтган учрашув чоғида “Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларини бириктирувчи асосий қадрият — бу маданиятдир”, дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, икки мамлакат ўртасидаги маданий ва маънавий алоқалар чуқур тарихий илдизларга эга. Ўзаро алоқалар асрлар давомида ривожлана бориб, гоёвийлик ва моҳият нуқтаи назаридан бир-бирига

ҳамоҳанг, шакл ва мазмун жиҳатида уйғунлик касб этган. Ўзбек ва озарбайжон халқларининг атоқли намояндлари жаҳон маданияти, илм-фани ва адабиётига беқиёс хисса қўшган. Икки халқ адабиётининг буюк намояндлари — Алишер Навоий, Низомий Ганжавий, Мухаммад Фузўлий номлари ва бебаҳо мероси Ўзбекистон ва Озарбайжонда беҳад эъзозланади, авайлаб асралади ва чуқур ўрганилади. Икки давлат пойтахтларида Алишер Навоий (Бoku) ва Низомий Ганжавий (Тошкент) ҳайкаллари ўрнатилган.

Умуман, ҳар икки мамлакатда ўтказилган турли маданий ва бошқа тадбирларда иштирок этадиган, шу жумладан, юқори даражадаги делегацияларнинг ўзаро алмашувлари мунтазамлик касб этган. Булар мусика фестиваллари, Ўзбек ва озар халқларининг буюк аждодлари ижоди ва меросига бағишланган илмий анжуманлар, кино ва маданият кунлари, кўргазмалар ва бошқалардир.

Ана шундай тадбирлардан бири яқинда, август ойи бошида Бокуда катта муваффақият билан ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунлари бўлди. Дастурдан Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг машҳур санъаткорлари иштирокидagi катта концерт, театр томошалари ва бошқа тадбирлар жой олди, улар Озарбайжон жамоатчилиги томонидан чексиз илтиҳом ва самимият билан қаршиланди.

Жорий йил апрель-май ойларида мамлакатимизда Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари ривожига беқиёс хисса қўшган Озарбайжоннинг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиевнинг 100 йиллиғига бағишланган қатор маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган озар миллатига мансуб юртдошларимиз ҳам халқларимиз ўртасидаги қардошлиқ алоқаларни мустаҳкамлашга салмоқли хисса қўшмоқда. Ўз маданияти ва аънаваларини авайлаб асраш, миллатлараро тотувлик ва диний барикенгликни мустаҳкамлаш, динлараро мулоқотни кенгайтириш, таълим ва ёшларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда уларга 2003 йили тузилган Озарбайжон Мадааний марказлари уюшмаси, шунингдек, Озарбайжон маданияти маркази яқиндан кўмаклашмоқда.

Бугун қомил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг қардошлиқ алоқалари кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Булажак олий даражадаги учрашувлар халқларимиз фаровонлиғи йўлида икки мамлакат ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлиб қолади.

“Дунё” АА

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ



Бошланғичи 1-бетда

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида иқтисодиётни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли Ўзбекистон Венгрия учун жозибдор бозорга айланаётир. Жумладан, Тошкентда Венгриянинг OTP банки иш бошлади. Венгриянинг “Bonafarm”, “Gedeon Richter”, “Meditor”, “Wizz Air” каби қатор йирик компаниялари Ўзбекистонда кўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Ушбу омилларнинг барчаси самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги стратегик шерикликни янги амалий мазмун билан тўлдирши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиляпти.

Йоанна МАРШАЛЕК-КАВА, Николай Коленрик университетининг Сиёсий ташкилотлар кафедраси мудири, профессор (Польша):



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга ташрифи ҳар икки давлат учун ҳам аҳамиятли ва фойдали воқеадир. Албатта, бу, биринчи навбатда, муносабатларнинг иқтисодий таркибий қисмини ривожлантириш ва чуқурлаштириш нуқтаи назаридан муҳим ташриф бўлади. Импорт, экспорт, сармоя, капитал ҳаракати, янги ишлаб чиқаришларнинг очилиши, технологиялар алмашинуви — қиска ва ўрта муддатли истиқболда икки томонлама иқтисодий муносабатларнинг асосини ташкил этади.

Шарқий Европа мамлакатларида ҳуссий секторнинг самарали фаолият юритиши уларнинг иқтисодий ўсиши ва фаровонлигини таъминлаб, камбағалликни қисқартиришга ёрдам беради. Венгрияда самарали, даромадли ва барқарор корхоналар қуриш бўйича катта тажриба тўпланган бўлиб, Ўзбекистон томонидан ушбу тажрибанинг жорий этилиши мамлакат иқтисодиётини

барқарор ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишнинг муҳим шартидир. Венгрия, шунингдек, ўзбек ишчилари ва мутахассисларига катта ҳамада хавфсиз меҳнат бозори туфайли Ўзбекистон учун фойдали бўлиши мумкин. Мамлакатларимизда ишчи кучининг катта тақчиллиғи кузатишмоқда, Ўзбекистон фуқароларининг Венгрия, қолверса, Польша меҳнат бозоридаги тажрибаси ҳам бизнинг мамлакатларимиз, ҳам ишчи кучи ортқича бўлган Ўзбекистоннинг умидларини тўлиқ оқлайди.

Иқтисодий ўзгаришлар даврида Шарқий Европа тўғридан-тўғри инвестицияларнинг глобал оқимларида қўлланиладиган асосий объектлардан бирига айланди. Бу табиий ресурслар, тегишли инфратузилма, ташиқ ва ички омиллар таъсирида иқтисодиёт учун имкониятлар, ишчи кучининг халқро рақобатбардорлиғи, мавжуд инсон капиталли, мулк ҳуқуқларини самарали химоя қилиш, молиявий воситачилик институтларининг ривожланиши даражаси билан таъминланган Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг яна бир омилидир.

Солейман ХИВЕЧИ, Эроннинг “Aia Tejarat Mahad Qabous” компанияси директорлар кенгаши раиси:



— Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги муносабатлар ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама жадал кенгайиб, стратегик шериклик даражасига кўтарилаётганининг гувоҳи бўляпти.

Шу кунгача ўтказилган икки томонлама саммитлар якунлари Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлигини янада ривожлантириш, расмий Тошкент ва Будапешт ўртасидаги кенг сиёсий мулоқот ҳамда жамоатчилик билан алоқаларни чуқурлаштиришни таъминлади.

Бундан ташқари, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармовий ҳамкорлик изчил ўсиб бормоқда, бунинг яққол кўрсаткичи сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг 3 баробар ортганидир.

Ишончким қилим, Ўзбекистон ва Венгрия икки томонлама ҳамкорлигини янада кенгайтириш учун юқори имконият ва салоҳиятга эга.

Бу борада Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқининг “GSP+” имтиёзлар тизимиға киритилиши икки давлат учун янги имкониятлар ва яхши истиқболлар очди. Шу билан бирга, уларни молиялаштириш бўйича кўшма жамғарманинг ташкил этилиши муҳим сармовий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масаласиға томонларнинг қизиқиши юқори эканидан далolat беради.

Президент Шавкат Мирзиёев ўзаро муносабатларнинг эришилган даражасида тўхтамасдан, кўп қиррали Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлигини янада кенгайтириш учун хали фойдаланилмаган улкан салоҳиятни самарали ишға солиш бўйича амалий чора-тадбирларни бажаришда давом этмоқда.

Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташриф ва музокаралари қизгин амалга оширилаётгани, натижада устувор йўналишларда ҳамкорликка оид қўллаб икки томонлама ҳужжатлар имзолангани бунинг яққол далилидир.

Ишонч билан айта оламкин, келгусида биз Ўзбекистон — Венгрия ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик ҳажими бир неча баробар ортқишиға гувоҳ бўламиз.

“Дунё” АА

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Бошланғичи 1-бетда

Нега деганда, орамизда даррахтларни шафқатсизларча кесиб, пуллаётган кимсалар борлиғи яхши аён. Ўзи умрида битта ҳам ниҳол экмасдан, даррахтларга болта ураётган, даррахт кесишни касбға айлантириб олган сохта тадбиркорлар, маънавий қашшоқ кимсаларға қарши ҳаммамиз биргаликда курашайлик!

Мамлакатимизнинг айрим жойларида “Яшил макон” лойиҳасиға бефарқлик билан қаралаётгани оқибатида катта маблағ, моддий ва меҳнат ресурслари ҳисобига экилган қўчатлар қуриб қолаётган, даррахтзорлар пайхон қилинаётган ҳолатлар ҳам, афсуски, тез-тез учрамоқда.

Азиз нурунийлар, доно отахон ва оқила онахонлар!

Бу борада авваламбор сиз, азизларға мурожаат қилаётганимиз, албатта, бежиз эмас. Янги Ўзбекистонимизда тарихий ўзгариш ва ислохотлар, эзгу гоё ва ташаббусларни рўёбға чиқариш жараёнида сизлар ҳаммиша фаол бўлиб, қимматли фикр ва мулоҳазангиз, доно маслаҳатингиз, амалий ҳаракатларингиз билан муносиб хисса қўшиб келмоқдасиз. Бой ҳаётий тажрибангиз, дуо ва тилакларингиз ҳаммиша халқимиз учун катта таянч ва суянч бўлиб келавди.

Бугунги кунда она табиятға муносабат, “Яшил макон” лойиҳасидан қўзланган мақсад-муддоа ҳақида халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида суҳбатлар қуриб, унинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларида фаол, фарзанд ва набираларимиз учун қулай табиий муҳит яратишда бош-қош бўлиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ота-боболаримиздан мерос аънаға — оилада янги фарзанд дунёға келганида унга атаб, албатта, даррахт экишни қайта тиклаб, ҳаётимиз қойдасиға айлантисак, айни муддао бўлади. Ниҳондан ўтаётган ёшларимиз мана шундай бахтли онлардан эсдалик сифатида яхши ният билан ерга ниҳол экса, аънаваларимиз яна бир гўзал одат билан боййган булар эди. Келин-куёвларимиз эккан ниҳолларнинг илдизи ерга чуқур ўрнашиб, улғайиб, улкан даррахтга айланиб мева берганидек, ёшларимизнинг оиласи ҳам, албатта, мустаҳкам, баракали, тинч-тотув бўлади.

Бугунги кунда она табиятға муносабат, “Яшил макон” лойиҳасидан қўзланган мақсад-муддоа ҳақида халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида суҳбатлар қуриб, унинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларида фаол, фарзанд ва набираларимиз учун қулай табиий муҳит яратишда бош-қош бўлиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Она юртға меҳр ва садоқат руҳида камол топади. Ўзи эккан ниҳол униб-ўсаётганини қўрган боланин қалбидagi оруз-мақсадлари ҳам юксак бўлади. Шунинг учун даррахт экяётганда, ниҳолларни парваришлаётганда фарзандларимизни ёнимизға олиб, уларға тупроқ билан тиллашишни, ниҳол экиб, ундиришни ўргатайлик! Парваришлаган ниҳоли Ватанимиз қўриғиға-қўрқ қишини англатайлик!

Мухтарим маҳалла фаоллари! Бугунги кунда ҳам айрим маҳаллаларда, кўча ва гузарларда қаровсиз ётган ерлар, қуриб-қовжираб қолган даррахтларни кўрамыз. Бу бизға умуман ярашмайдиган ҳолат. Маҳаллаларимиз қиёфаси фаолиятимиз натижасини кўрсатадиган омиллардан бири эканини унутишға ҳақимиз йўқ.

Шу боис, бу йўналишдаги фаолиятимизни танқидий қўриб чиқиб, ишни тизимли асосда йўлга қўйиш чораларини қўришимиз лозим. Маҳаллаларимиз ҳудудини обод қилиш, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштириш каби савобли ишлар ҳаммиша эътиборимиз марказида туриши зарур.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Обод хонадон” дастурини амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб, юртимизда ҳар жиҳатдан обод хонадонларни кўпайтириш, уларни бошқаларға ўрнат қилиб кўрсатиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтиришимиз лозим.

Хурматли уста боғбон ва миришкор фермерлар!

Бозор ва дастурхонларимиз тўқинлиги сизларнинг заҳматли меҳнатингиз натижасидир. Она табиятимизни асраш, юртимизда мевали ва манзарали боғлар, яшил ҳудудларни кенгайтиришда сиз, азизларнинг билим ва тажрибангиз ниҳоятда муҳимдир.

Шундай экан, дала четларига тут ва узум қўчатларини экиш тажрибасини кенг оммалаштирайлик. Тутзорлар ерни эрозиядан, экинларни турли табиий офатлардан химоя қилиш билан бирга ипакчилик саноати ривожининг бош омилидир. Узум ва унинг майизи дастурхонларимиз кўрки ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутади. Тут ва узум мўл ҳосил ва катта даромад манбаидир. Шундай экан, дала четларига тут ва узум қўчатлари тўлиқ экилишиға эришайлик!



Пиру бадавлат отахон-онахонлар, фахрийлар, зиғиллар ва азму шижоатли ёшларимиз биргаликда маҳаллалардаги бўш ерлар, дала четлари, ариқ ва зовурлар бўйларига терак қўчатлари ва қаламчалари экишни ташкиллаштирайлик!

Бир туп ниҳолдан 8 тадан 12 тагача қаламча олиш мумкин. Бу қаламчаларни сифатли экиб, парваришласак, кузгача ҳар бири қўчатға айланади. Оқдий қаламчадан қўчат ва ёғоч етиштириш тоза ҳаво, яхшигина даромад манбаи эканини унутмайлик!

“Бир нуруний — ўн нафар ёшга масъул”, “Устоз ва шоғирд” тамойиллари асосида фарзанд ва набираларимиз, маҳаллалар ёшларини ёнимизға олиб, ҳовлилар, қўп қаватли уйлар, шифохоналар, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим-тарбия муассасалари атрофида даррахт ва гуллар экишни йўлга қўйиш муҳим вазифамиз ҳисобланади.

“Нуруний” жамғармаси бу борада Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Соғлиқни сақлаш, Макаб-табғача ва мактаб таълими вазирлиқлари ҳамда бошқа тегишли идоралар, давлат ва жамоат ташкилотларини ҳамкорликка чақиради.

Азиз ота-оналар! Халқимизда “Кўш уясида кўрганни қилади”, деган гап бежиз айтилмаган. Чинакам инсоний туйғулар, аввало, оила бағрида камол топади. Фарзандларимиз қалбида она табиятға меҳр уйғотиш, атроф-муҳитға эҳтиёткор муносабатда бўлиш туйғуларини тарбиялашда оиланингни ўрни ва таъсири ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бобоси ва отаси билан бирга даррахт эккан, парвариш қилишда иштирок этган боланингни онгу тафаққури ўзгача бўлади.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЭЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА УҚИШ УЧУН МАҚСУМ QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



МУНОСАБАТ

ТАДБИРКОРЛИК ДАВРИ

Ўтган йиллар давомида бизнес юри...

Одамларимиз орасида тадбиркорлик...

Кутилган ташаббуслар

Тадбиркорлик — қарийб барча соҳа...

Кейинги йилларда юртимиз аҳолиси...

Юртимизда 20 август Тадбиркорлар...



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

билан юзма-юз мулоқот ўтказиши эса...

Ўтган йили тадбиркорлар билан...

Бу саяё-ҳаракатлар натижасида...

Бунинг ҳисобидан 20 та тумандаги...

Қўшилган қиймат солиғини қайтариш...

Бундай мисолларни узоқ давом эт...

латимиз раҳбари томонидан бизнес...

Илгари сурилган янги ташаббуслар...

Жойларда сайловчилар билан учра...



Ахтам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари

Бошланғичи 1-бетда

Шу боис, 2016 йилдан бошлаб...

Бу борадаги қатъий қадамлар бири...

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ЖАҲОН БОЗОРИДА БИР ДОЛЛАРЛИК ЭКСПОРТ УЧУН ҲАМ РАҚОБАТ БОР

Аҳдам ИМИНЖОНОВ, Наманган шаҳридаги "Ифтихор кийим саноат" МЧЖ таъсисчиси, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби:



— Катта-катта режалар, орзу ва мақ...

Бугун бизни ҳар қандай кўрқув ҳисси...

Учрашувда дунёқарашимизни ўз...

ОДДИЙ УСТАДАН ЙИРИК ИШБИЛАРМОНГА АЙЛАНДИМ

Шухрат МУРОДОВ, Қарши шаҳридаги "Alp Texno Servis" хусусий корхонаси раҳбари, "Шухрат" медали соҳиби:



— Фаолиятимизни 2006 йили синф...

Ҳозирги кунда корхонамизда 120 га...

Чунки 2006 йилдан бошлаб ўн йил...

Президентимизнинг 2016 йили Қаш...

Ўша вақтда бизни давлат қўлла...

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

КРЕДИТЛАР ТАДБИРКОРЛАРГА 5-7 ЙИЛ МУДДАТТА ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАР АСОСИДА БЕРИЛАДИ. УШБУ МАБЛАҒЛАРНИНГ 150 МИЛЛИОН ДОЛЛАР БЎЙИЧА КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ 1 ОКТЯБРДАН ОЧИЛАДИГАН БЎЛДИ. ЎЗ БИЗНЕСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЯ ОЛГАН, КРЕДИТ ВА СОЛИҚ ТАРИХИ ТОЗА ТАДБИРКОРЛАРГА ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН КРЕДИТ ОЛИШДА ГАРОВ ТАЛАБИ 50 ФОИЗ КАМАЙТИРИЛИШИ ҲАМ СОҲА РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР.

“... МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИНГ, ДУНЁГА ЧИҚИНГ”

Ўқтамжон ОРТИҚОВ, Асака туманидаги "Sino International Invest" МЧЖ директори, "Шухрат" медали соҳиби:

— Бугун мамлакатимизда бизнес...

Бундан икки йил олдин давлат раҳ...

2021 йилда мана шундай мулоқот ор...

Биз учун яна бир муҳим янгилик. Энди...

тадбиркор инвестиция киритса, 45 ф...

Кредитлар тадбиркорларга 5-7 йил...

Лойиҳани амалга оширишда қўшимча...

Тўғриси, "Шухрат" медалига лойиқ...

Келгусида мана шу энгиллик ва им...

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

МИЛЛИЙ ТАЯНЧ ТАМОЙИЛЛАР

уларнинг статистика сифатини таъминлашда тутган ўрни



Анвар ТўЛАГАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Статистика агентлиги
бошқарма бошлиғи
ўринбосари

Хар қандай соҳада бўлгани каби статистикада ҳам сифатни таъминлаш белги-ланган маълум мезон ва қоидаларга риоя этиши, барча босқич ва жараёнларни аниқ режалаштириш ва тизимли амалга ошириши, зарур молиявий, технологик ва бошқа ресурсларни жалб этиши, мавжуд тизим ва воситаларни мунтазам янгиллаб, такомиллаштириб бориши тақозо этади. Тизим фаолиятини ташкил этишни самарадорлиги эса соҳага халқаро даражада тавсия этилган илгор моделлар ва тизимларни кенг жорий этилиши билан чамбарчас боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда статистика соҳасини янги босқичга кўтариш ва тубдан ислоҳ қилиш, маъмур тизимнинг замонавий ва илгор технологияларни кенг жорий қилиш орқали расмий статистиканинг сифати ва унга бўлган ишонччи янада ошириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар қўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан сифатни бошқаришнинг халқаро даражада эътироф этилган илгор тизимларини босқичма-босқич татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Сўнгги икки йилда БМТ Европа иқтисодий комиссияси томонидан статистика идоралари фаолиятига қўллангани тавсия этилган Статистик маълумотларнинг (GSIM), Статистик маълумотларни ишлаб чиқиш жараёнларининг (GSBPM) ҳамда Статистика идоралари фаолиятини бошқаришнинг (GAMSO) намунавий моделлари талабларини жорий этиш борасида зарур тадбирлар амалга оширилди.

Шу ўринда ушбу илгор моделлар ва уларнинг ҳолати ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак:

GSIM модели — фойдаланувчиларга тарқатилган статистика маълумотларини шакллантириш қоида ва талабларини белгилаб беради.

GSBPM модели — статистика маълумотларини ишлаб чиқиш босқичлари ва жараёнларини тартибга солидади.

GAMSO модели — статистика идораси томонидан амалга ошириладиган умумий фаолиятни белгилаб беради ва тизимлаштиради.

Ушбу халқаро моделларни миллий статистика тизимига жорий этишни таъминлаш мақсадида Статистика агентлиги томонидан GSBPM ва GAMSO моделлари асосида миллий тизимлар ишлаб чиқилди, уларни амалиётга жорий этиш бўйича услубий ҳужжатлар яратилди.

Ҳозирги кунда мавжуд ресурслар ва ички имкониятлардан самарали фойдаланилган ҳолда, ушбу моделларни юртимизда босқичма-босқич жорий этиш бўйича зарур ташкилий чоралар қўрилмоқда.

Халқаро моделлар қандай манфаат келтиради?

Хар бир давлат ўз миллий статистикасини ташкил этишда унга бўлган талаблар, амал қилиниши лозим бўлган принциплар, тартиб-тамоийлар ва бошқа жиҳатларни миллий қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солида ҳамда амалга оширилади.

Расмий статистика соҳасида халқаро даражада қабул қилинган меъёрлар, талаб ва тавсиялар эса мамлакатда статистика фаолиятини ташкил этиш ишларини тартибга солиш, тизимлаштириш, маълумлаштириш ва албатта, расмий статистика сифатини баҳолаш имконини беради.

Сифатни бошқариш бўйича халқаро талаб ва тавсияларга мувофиқ, хар қандай мамлакат статистика идорасининг самарали фаолият қўрсатаётгани, ишлаб чиқиш жараёнларининг белгиланган талабларга жавоб бериши ҳамда тайёрланаётган маълумотларнинг сифатлигини таъминлаш ишлари баҳолаб борилиши лозим. Чунончи, сифатни бошқариш ва баҳолаш тизими миллий статистика фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, ўз навбатида, бу соҳада сифат сийасати ва уни баҳолаш дастурини амалга оширишни талаб этади.

Маъмур талабларни бажариш, хусусан, сифатни бошқариш тизимининг самарали ишларини таъминлаш мақсадида бу борада миллий таянч принципларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун БМТ Статистика комиссияси томонидан 2019 йилда қабул қилинган "Расмий статистикада сифатни таъминлашнинг миллий таянч принциплари (NQAF) бўйича қўлланма" асосий манабаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёдаги 60 дан ортқ давлат томонидан амалиётга жорий этилган БМТнинг Сифатни таъминлашнинг миллий таянч принциплари расмий статистика сифати ва унга нисбатан ишонччи таъминлашга ёрдам берувчи бошқаришнинг ички ва уйғун тизимини тақкиф этади.

Ушбу қўлланма маълумотлар манба-

лари, уларни етказиб берувчилар ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичлари бўйича кўрсаткичлар сифатини таъминлаш юзасидан мезон ва тавсияларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, сифатни таъминлашнинг миллий таянч принциплари жорий этишда мамлакатларга амалий ёрдам берувчи муҳим восита ҳисобланади.

Ҳолбуки, NQAF қўлланмаси нафақат статистика органлари, балки мамлакат миллий статистика тизимига кирувчи барча ишлаб чиқарувчилар томонидан шакллантириладиган ва тарқатилладиган расмий статистика сифатини таъминлашга қўлланадиган.

NQAF талаблари асосида фаолият юритишнинг қандай афзалликлари бор?

Биринчидан, NQAF моделини бори-ча қабул қилиш, унга қўшимча қилиш ёки унинг асосида ўз принципларини ишлаб чиқиш мумкин.

Иккинчидан, соҳада тизимли мониторинг юритиш, узлуксиз равишда хатар ва

муаммоларни аниқлаш ҳамда ўз вақтида тузатиш чораларини кўриш имконини берувчи механизмлар мавжуд.

Учинчидан, миллий ва халқаро даражада сифат соҳасида муаммо ва имкониятлар бўйича мулоқот қилиш учун умумий тамойилларга эга.

Тўртинчидан, миллий статистика тизими доирасида сифатни таъминлашни жорий этиш ва уни қўллаб-қувватлаш учун асослар яратилган.

Шунингдек, NQAFнинг жорий этилиши, миллий статистика тизими ичида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ва сифатни ўлчаш тартиб-тамоийларининг шаффофлигини яхшилаш ҳамда миллий статистика тизимини мувофиқлаштирувчи орган ва бошқа расмий статистикани ишлаб чиқарувчиларга нисбатан ишонччи оширади.

Умуман олганда, NQAF тузилмаси 4 та даража ва хар бирда рия этилиши

БМТнинг Сифатни таъминлашнинг миллий таянч принциплари (NQAF) тузилмаси




зарур бўлган жами 19 та принцип, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун 87 та талаблар ҳамда маъмур қоидаларни бажариш учун қўриладиган чораларни тавсияловчи жами 364 та сифат элементларидан иборат.

NQAFнинг дастлабки А даражаси **Статистика тизимини бошқариш** ҳисобланади.

Маълумки, миллий статистика тизими расмий статистикани ишлаб чиқадиган ва тарқатадиган ҳамда қоидага қўра, миллий статистика органи томонидан бошқариладиган статистика органлари ва мувофиқлаштириладиган расмий статистикани бошқа ишлаб чиқувчилардан иборат.

Шунга қўра, Статистика тизимини бошқариш даражаси доирасида соҳани мувофиқлаштириш, статистик стандартларни бошқариш каби принципларга риоя этишни талаб этади. Шунинг учун миллий статистика тизимини мувофиқлаштириш принциплари, қонунийлик ҳужжатлари билан миллий статистика тизимига кирувчи ташкилотлар ва уларнинг мажбуриятлари, мувофиқлаштирувчи орган ҳамда унинг ваколатлари белгилаб қўйилишини, расмий статистикани ишлаб чиқиш ва ривожлан-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЪМУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

тириш учун миллий дастурларнинг мавжуд бўлишини кўзда тутати.

Статистика тизимини бошқаришнинг юқорида баён этилган принципларини

Расмий статистикани ишлаб чиқиш ва тарқатиш учун статистика органлари фойдаланадиган жараёнлар доирасида халқаро стандартлар, қўлланмалар ва илгор амалиётларга тўлиқ риоя этилиши, бунда инновациялар доимий равишда жорий этиб борилиши лозим. Чунки статистика органлари яхши бошқариладиган ва самарали муассаса сифатида ном қозонганда статистикага нисбатан ишонччи ортиб боради.

Хусусан, статистика маълумотларини ишлаб чиқаришда статистика органлари халқаро миқёсда тавсия этилган стандартлар, қўлланмалар ва илгор тажрибаларга асосланган ҳолда қабул қилинган самарали методологиялардан фойдаланишлари керак. Шунингдек, статистика органлари мавжуд ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланилишини назорат қилиб боришлари талаб этилади. Бунда, зарур ҳолларда, улар қўлланган мақсадларга қай даражада эришилганини тушутириб бера олишлари, ушбу натижаларга асосан харажатларга йўл қўйилмасдан эришилганини ва улар статистиканинг мақсадларига мос келишини асослаб бера олишлари лозим.

Сифатнинг яхшиланиши статистик тартиб-тамоийларнинг оқилона ва самарали эканига бевосита боғлиқ. Шу боис, бундай муносиб тартиб-тамоийлар статистика маълумотларини ишлаб чиқаришнинг барча босқич ва жараёнларида кўзда тутилган бўлиши керак.

NQAFнинг сўнгги тўртинчи даражаси — **статистика маълумотларини бошқариш** ҳисобланади.

Маълумки, тизим кенг омманинг, шу жумладан, мамлакат ҳукумати, илмий-тадқиқот муассасалари, бизнес, жамоатчилик ва халқаро ҳамжамиятнинг сифатли расмий статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлайди. Шунга қўра, статистика маълумотларининг сифати шундай даража билан ўлчанадики, унда статистика маълумотлари қўллашга яроқли, аниқ ва ишонччи, пухта ва ўз вақтида бажариладиган, фойдаланувчилар учун қўлай ва тушунарли, географик ҳудудлар ва даврлар бўйича ўзаро боғлиқ ҳамда қийсий бўлиши лозим. Булар статистика маълумотларини бошқаришда амал қилиниши лозим бўлган принциплардир.

Статистика органлари маълумотларини эълон қилишдаги кечикишларни минимал даражада камайтиришлари керак. Чунончи, маълумотларнинг ўз вақтидалиги, уларнинг қанчалик тез (ҳисобот санасидан кейин ёки ҳисобот даври тугагандан сўнг) фойдаланувчилар эътиборига етказилгани билдиради. Маълумотларнинг пухталлиги эса уларнинг ваъда қилинган, аввалдан режалаштирилган ёки белгиланган санада эълон қилинганини аңлатади.

Яна бир амал қилиниши лозим бўлган принцип, бу маълумотларнинг фойдаланувчилар учун қўлай ва тушунарли бўлишидир. Шу билан бирга, бирламчи статистика маълумотларининг махфийлигини таъминлаган ҳолда, фойдаланувчиларга улардан илмий тадқиқот мақсадлари учун фойдаланиш имконини яратиш ҳам кўзда тутилиши керак.

Статистика маълумотларини бошқариш даражасида рия этиш лозим бўлган олтига принципни таъминлаш учун NQAF тавсияларига қўра, 24 та талаб ва 103 та сифат элементларини бажариш талаб этилади.

Сифатни таъминлашнинг бошқа омиллари

БМТнинг Сифатни таъминлашнинг миллий таянч принциплари статистика соҳасининг барча йўналишларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, унда келтирилган талаблар ва сифат элементларининг қўламли кенг, кўп босқичли ва мураккабдир. Бу эса ушбу талабларни бажариш учун барча даражаларда катта салоҳият, вақт ва зарур ресурслар жалб этилишини талаб этади.

Маълумки, Статистика агентлигининг асосий миссияси — фойдаланувчиларнинг юқори сифатли расмий статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларини максимал даражада қондириш мақсадида соҳада давлат сийосатини амалга ошириш ҳисобланади. Шунинг эътиборига олган ҳолда, ҳозирги кунда агентлик томонидан БМТнинг Сифатни таъминлашнинг миллий таянч принциплари ва бу борада илгор хорижий тажрибаларни чуқур ўрганиш ҳамда NQAF талабларини тизимли жорий этиш юзасидан зарур чоралар қўрилмоқда.

Жумладан, NQAF талабларида ҳам қайд этилган ва миллий статистика тизимига сифатни бошқаришнинг халқаро даражада эътироф этилган GSIM, GSBPM ва GAMSO каби илгор тизимлари мамлакатимизда жорий этилаётгани қўлланган мақсадларга босқичма-босқич эришиш учун муҳим омил бўлмоқда. Зеро, ушбу илгор тизимларда белгилаб қўйилган талаблар жорий этилиши келгусида соҳада сифатни таъминлаш ишларини баҳолашда ижобий натижаларга эришилшини таъминлайди.

Шунингдек, жорий йилда Статистика агентлигининг сифат соҳасидаги сийосати қабул қилинди. Унга қўра, тизимда сифатни бошқариш ва баҳолаш тизимларини, уни таъминлашнинг миллий асосий принципларини жорий этиш ва самарадорлики янада ошириш белгиланган.

Статистика агентлиги томонидан келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган навабдаги тадбирлар мамлакатимизда сифатни таъминлашнинг миллий таянч принципларини таъминлаш бўйича сифатни бошқариш қўлланмасини ишлаб чиқиш, тизимда статистика жараёнлари ва сифатни бошқариш бўйича (GSBPM ва NQAF талаблари асосида) стандартлар, уларга амал қилиш ҳолати ва халқаро андозаларга мослиги юзасидан ўрганишларни ташкил этишга қаратилган.

Бу талабларнинг жорий этилиши миллий статистика тизимига қандай самара келтиради?

Биринчидан, соҳа фаолияти самарали ташкил этилади ва мувофиқлаштириб борилади. Иккинчидан, оқчиллик ва шаффофлик таъминланади. Учинчидан, фойдаланувчиларга ишонччи, ҳолис, долзарб ва сифатли маълумотлар етказиб берилади. Тўртинчидан, сифатни бошқариш ва баҳолаш тизими йўлга қўйилади.

Эришилган натижалар эса пировардида миллий статистика соҳаси фаолиятининг халқаро сифатни бошқариш тизимларини моос келишини таъминлайди ҳамда хорижий ва миллий фойдаланувчиларнинг расмий статистика маълумотларига бўлган ишонччи оширади.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ЧЕККА ҚИШЛОҚДАГИ САЙЁР ҚАБУЛ фуқаролар мурожаатларига ечим топилаптими?

Тоҳира МУЙДИНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Косонсой туманидаги
Халқ қабулхонаси мудири

Халқ қабулхонаси томонидан мурожаатлар ўрганилганда, энг аввало, уларни юзага келтираётган омиллар, сабаблар ва шарт-шароитлар тўлиқ ўрганиб чиқилади. Пировардида тақдир мурожаатларнинг олди олиниб, муаммони ҳал қилиш амалиёти самарадорлигини ошириш имкони юзага келади.

Фикримизни баъзи мисоллар билан давом эттирамиз. Масалан, А.Абдикаримов 2020 йилдан буён Чов чўрраси касалигидан азият чекаётгани, ордер олиш учун туман тиббиёт бирлашмасига бир неча марта мурожаат қилса-да, ҳеч қандай натижа бўлмагани ҳақида айтган. Фуқаронинг ордери олишда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаатига асосан, у тиббий текширувдан ўтказилди ва Наманган вилоят кўп тармоқли жаррохлик бўлимида имтиёзли даволаниши учун ордер берилди.

Яна бир фуқаро Б.Юлдашевнинг яшаш ҳудудидаги электр тармоғи ускуналарини (симёғоч, трансформатор пункти) таъмирлаш ва ўрнатиш масалалари юзасидан қилган мурожаатига асосан, "Қорасув" МФЙ Ёшлик-1 кўчаси ҳудудидаги яроқсиз симёғочлар янгисига алмаштирилиб, қўшимча симёғочлар ҳам ўрнатилди ва AAVG-25 маркали сим тортилди.

М.Бобохўжаев яшаб келаётган "Боғишамол" МФЙ Оптин мерос кўчасидаги ичимлик сув етиб бормаган хонадонларга сув тармоғини ўтказишни сўраб қилган мурожаатига асосан, ушбу кўчадаги

хонадонларнинг барчаси ичимлик сув таъминотига улаб берилди.

Кейинги йилларда жойларда оммавий сайёр қабулур ўтказиш тизими самарали йўлга қўйилиши туфайли одамлар давлат идораларидан, умуман, бугунги ислохотлардан рози бўла бошлади.

Ана шу мақсадда, жорий йил давомида Косонсой туманида 127 марта сайёр қабул ўтказилди. Натижада муаммолар чекка қишлоқларга бориб, уйма-уй юриб ҳал этилиши яхши самара берди. Аҳолини қийнаб келаётган масалаларга ўз вақтида ечим топилди.

Ўтказилган сайёр қабулурда иштирок этган 3500 дан зиёд фуқародан 694 мурожаат тушди. Шундан 468 таси ижобий ҳал этилиб, 154 тасига тегишли ҳуқуқий тушутиришлар берилди, қолган мурожаатлар қўшимча ўрганишни талаб этгани сабабли назоратта олинди.

Агар соҳалар кесимида таҳлил қилсак, мурожаатларнинг энг кўпи моддий ёрдам, газ, электр, сув, иссиқлик таъминоти, уй-жой, ер, иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, маҳалланинг ички йўллари таъмирлаш, кредит олиш масалаларида бўлди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЪМУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Мурожаатлар ижобий ҳал этилиши билан фуқаролардан Президент номига 100 дан ортқ миннатдорлик хатлари келиб тушди. Бундан ташқари, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"ни шакллантириш, унга аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнини киритиш юзасидан берилган топшириқлар ижросини таъминлашда ҳам ўзаро ҳамкор ташкилотлар билан уйма-уй юриб, хатлов ишлари амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Оққўрғон тажрибаси бўйича Косонсой туманида аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш ҳамда халқ эҳтиёжларини маҳаллалар кесимида "хонадонбай" иш ташкил этилди.

Хусусан, 59 маҳаллада мавжуд 38 минг 185 хонадоннинг барчаси ўрганилди. Уйма-уй юриш давомида 6182 муаммо аниқланиб, 5711 таси ҳал этилди, 471 масала бўйича ишлар назоратта олинди.

Юқорида келтирилган рақам ва мисоллар шунчаки статистика эмас. Уларда инсон тақдир ва келажакка умид, фаровон ҳаётда бахтли яшаш каби эзгу мақсад ҳамда ниятлар мужассам.

Бир сўз билан айтганда, халқ билан мулоқотнинг бу ноёб тизими туфайли мурожаатлар билан ишлаш масаласи давлат сийосатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугунги илчил ислохотлар жараёнида Халқ қабулхоналарининг зиммасида катта масъулият турибди.

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

“ТЎП ВАҚТИ” ДАН 15 МИНГ ТОННАЛИ РАДИОАНТЕННАГАЧА



Шухрат ЭГАМБЕРДИЕВ, Астрономия институти директори, академик

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон астрономиясининг ўтмиши, бугуни ва истиқболи

Аниқ вақт сигналлари тўғридан-тўғри обсерватория ҳудудидан суткасига етти марта эфирга узатиб турилган. Унинг илмий салоҳияти ошгани инобатга олиниб, 1966 йили Фанлар академияси Астрономия институтига айлантирилган.

Ўзбекистонда юқори малакали ёшларни тайёрлаш ишлари Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этишдан бошланган. Бу мактаб ўқувчилари учун амалий машғулотларни Астрономия институти ҳузурида ўтиш назарда тутилган. Шу мақсадда ҳар қадами тарихий аҳамият касб этувчи институт ҳудудида “Астрономия ва аэронавтика” парки ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ. Худуддаги мавжуд телескоплар ва барпо этиладиган планетарий ўқувчи-ёшларнинг олам тугилиши ҳақида илмий тасаввурини шакллантиришга хизмат қилади. Қўшни давлатларнинг бирортасида замонавий

муслмон юртлар бу соҳада анча орқода қолаётгани таъкидланиб, бир неча давлатда кўзгусининг диаметри 4 метрли телескопларни ишга тушириш муҳокама қилинди. Шунда Президентимиз ана шундай телескоплардан бирини Майданак обсерваториясида ўрнатиб, унга Мирзо Улуғбек номи бериш таклифи билан чиққан. Бу таклиф муслмон давлатлар раҳбарлари томонидан маъқулланди. Кўп ўтмай, 4 метрли телескопларни барпо этиш ишлари Туркияда (2021 йилда ишга туширилди), Миср, Покистон ва Индонезияда бошланди.

Майданак обсерваторияси инфратузилмаси жаҳон андозалари даражасига кўтаришмоқда. Майданак юқори даражадаги астроқлимга эгаллиги кўплаб хорижий марказлар эътиборини тортти келмоқда. Яна бир муҳим факт: Майданак тоғи бошқа жойлардан фарқи уларақ, яқка чўққи эмас, балки анча катта



миз марказида бир неча миллион Қуёш массасига тенг улкан қора туйнук шарпаси тасвири олинди. Бунинг учун Ер юзасидаги бир неча радиотелескоп ягона тармоққа улашиб ишлатилди. Астрономия институти ходимлари бу лойиҳа доирасида назарий тадқиқотлар олиб борди. Ҳисоб-китобларга кўра, агар тармоқда Суффадаги РТ-70 радиотелескопи ишлаб турганида ўлчовларнинг аниқлиги 15 фоиз ортади! Натижани бир-икки фоиз ошириш учун талайгина саъй-ҳаракатни талаб этган лойиҳа учун бу жуда сезиларли ютуқдир. Бундан хулоса шунки, Европа билан Хитой орасида жойлашган Ўзбекистон ҳудудида 70 метрли радиотелескоп ишлаб туриши катта илмий аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳага эътибор қаратганидан кейин радиообсерваторияни барпо этиш ишлари анча жонланди. 2018 йили Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон — Россия ҳукуматлари учрашувида радиообсерваторияни барпо этиш ишларини давом эттиришга келишилди. Шундан кейин икки давлат раҳбарларининг 2021 йил октябрий ойида Москвада бўлиб ўтган учрашувида тегишли шартнома имзоланди. 2022 йилда иккала Президентнинг тегишли қарорлари билан шартнома кучга кирди.

Бу даврда Зомин туманида туризмин ривожлантириш ишлари қизиган авж олди. “Зомин” туристик-рекреацион зонаси ташкил этилди. Аслида бу иккала иншоот муайян шартларни бажариб, келиши иш курсига бир-бирига фойда келтириши мумкин. Радиообсерватория яқинида туристик объект бўлиши қатор афзалликлар яратади: юқори сифатли йўллар, электр ва сув таъминоти ва ҳоказо. Лекин радиообсерваторияга радиообсерватория манбаларини яқин жойлаштириб, қузатувларга халал берилмаслиги керак. Радиообсерватория ишга тушгач, Зоминга кўплаб сайёҳларнинг жалб қилишга асқотиши мумкин. Бундай ҳамкорлик жаҳон таъриҳида жуда кўп учрайди. Биргина мисол: бир неча йил олдин Хитойнинг жануби-ғарбидagi Пингтан ўлкасида кўзгусининг диаметри 500 метр бўлган жаҳондаги энг йирик FAST радиотелескопи ишга



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ҲАМ ҚИЗИҚАРЛИК УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

планетарий йўқлигини инобатга олсак, бу иншоот нақадар аҳамиятли ва нуфузли бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Утган асрнинг 60-йилларида Тошкент шаҳри анча кенгайиб, осмоннинг ёритилиши кўлами ҳам ошди. Бундай шароитда ёруғлик манбаларидан йирокроқ жойда обсерваторияга мос жойини излаб топиш Астрономия институтини олдида турган энг долзарб масалалардан бирига айланган эди. Узоқ йиллар давомида тоғу тошларда ўтказилган машаққатли изланишлар натижасида Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманида жойлашган Олой тоғ тизмаларидан биридаги Майданак тоғи танланди. Астрофизика фанида астроқлимни ўрганишга қаратилган анча-мунча мураккаб усулларга асосланган махсус соҳа мавжуд. Ана шундай тадқиқотлар натижасида кейинчалик Майданак тоғи астрономик қузатувлар учун жаҳоннинг энг нуфузли жойларидан қилишмаслиги ва ҳатто айрим кўрсаткичлари бўйича устуңлиги аниқланди. Бу Ўзбекистонлик астрономлар учун табиатнинг бебаҳо тўхфаси бўлди!

майдонга эга ясси тоғдир. Бу дегани, у ерда келажақда бир эмас, бир неча катта телескоп ўрнатилиши мумкин. Шу билан мамлакатимиз астрономия соҳасида тадқиқотлар олиб борувчи илгор давлатлардан бирига айланади.

Астрономия фани келажаги учун ўта муҳим бўлган яна битта лойиҳа Зомин туманидаги Туркистон тоғ тизмаларида барпо этилаётган Суффа радиообсерваториясидир. Утган асрнинг 70-йилларида доимий рақобатда бўлган собиқ иттифок ҳамда АҚШ нафақат иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда, балки илмий-техника масалаларда ҳам бир-бирдан ўтиб кетиш тарзида иш кўрган. Шунда собиқ иттифок ҳукумати улкан ҳудуднинг ғарбий-шарқий йўналиши бўйлаб кўзгусининг диаметри 70 метр бўлган учта радиотелескоп ўрнатиб, уларни ягона тармоққа улаб ишлатиш режасини амалга оширишга киришган.

Биринчи радиотелескоп Кримдаги Евпатория шаҳри яқинида, иккинчиси Узоқ Шарқдаги Усурийскда ўрнатилган. Учунчи радиотелескопни



Уруш йиллари биргина Тошкент астрономия обсерваторияси бутун собиқ иттифокни ярим йил давомида аниқ вақтдан хабардор қилиб турган. Аниқ вақт сигналлари тўғридан-тўғри обсерватория ҳудудидан суткасига етти марта эфирга узатиб турилган.

Энди Астрономия институтининг келажаги ва нуфузи тўлиқ Майданак астрономия обсерваторияси (МАО) билан боғлиқ. Ҳозир у астрономия фанининг энг долзарб мавзуларига қаратилган ўнлаб халқаро дастурларнинг аъзоси. Сўнгги йилларда бир неча оламшумул кашфиёт дунё юзини кўрди. Булар орасида “Самарқанд” ва “Майданак” кичик сайёралари очилди, 2017 йилда Катта Кайк юлдузи туркумида ўта янги юлдуз чакнаши кашф этилиши, комингта гамма нурларда чакнаган ва космик аппаратларда қайд этилган юзлаб жараёнларнинг Майданакда аниқ кузатилиши, осмоннинг юз йил давомида олинган фототасвирларини рақамлаштириш натижасида 13,5 миллион юлдуз каталогининг эълон қилиниши таъкидлаб ўтиш мумкин.

Олимларни қувонтирадиган ўта муҳим ҳолат Майданак обсерваторияси давлатимизнинг доимий эътиборидаги. Испом ҳамкорлик ташкилотининг 2017 йили Остона шаҳрида бўлиб ўтган, илм-фанни ривожлантириш масалаларига қаратилган юқори даражадаги йигилишида муслмон давлатларнинг илм-фанга эътиборини қаратишни айна астрономиядан бошлашга қарор қилинган. Чунки муслмон олимларининг жаҳон илм-фани ривожига қўшган энг салмоқли ҳиссаси айна астрономия соҳасида бўлган. Саммитда бугун

иккала шеригининг ўртасида — Марказий Осиёдаги давлатларнинг бирида ўрнатиш назарда тутилган. 1980 йили лойиҳа раҳбарлари — академиклар В.Котельников ва Н.Кардашов жой танлаш мақсадида Ўзбекистонга келди. Бундан хабар толган Шароф Рашидов уларни қабул қилади ва радиотелескопни Зоминдаги Суффа яситоғида ўрнатишни таклиф этади. Кейинчалик ўтказилган геологик ва астроқлимни ўрганишга қаратилган изланишлар бу жой радиообсерватория учун ниҳоятда маъқул эканини кўрсатди. Қурилиш ишлари қизиган бошланиш кетди. Лекин ишлар ҳажми 60 фоизга етганида сиёсий вазият ўзгариб, жараён тўхтаб қолади. Мустақиллик йилларида бир оз уринишлар бўлди, лекин иш жойидан силжимади.

Бу иншоот нақадар улканлигини ўқувчи тасаввур қилиши учун радиотелескопнинг бир неча кўрсаткичини келтириб ўтсак. 70 метрли радиоантенна кичикроқ футбол стадионини баландлиги ўттиз қаватли улкан устунга ўрнатиб, уни соат механизми аниқлигида ҳар томонга йўналтириб турадиган механизмлар билан таъминлаш дегани. Радиоантенна вазни 15 минг тоннадан зиёроқ бўлиши керак!

Суффа расадхонаси ўзининг аҳамиятини бугун ҳам йўқотгани йўқ. Бунга бир мисол. 2022 йилда астрономияда муҳим кашфиёт бўлди. Сомон йўли галактика-

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ФАРЗАНДЛАРИМНИ ҲАҚИҚАТГА ҚИЙИЛТИРАДИМ, КЕЛИНИМНИНГ ҲУЖЖАТИНИ ҲАҚИҚАТГА ҚИЙИЛТИРАДИМ, ДЕЙДИ УРГУТЛИК ОТАХОН

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ургут филиали очилгани маҳаллий аҳоли учун чинакам имкониятлар эшигини очди. Президентимизнинг ўтган йил 13 январдаги “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, ташкил этилган филиал олдида педагогика, ахборот технологиялари ва ҳудудда кадрларга эҳтиёж юқори бўлган бошқа соҳалар учун мутахассислар тайёрлаш каби муҳим вазифалар қўйилган.

Ургут филиалининг айнан мазкур туманда очилишига кўплаб асослар бор. Биринчидан, аҳолиси 550 мингдан ортик бўлган ушбу туман азалдан хунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотик маркази бўлиб келган, иқтисодий жиҳатдан бошқа туманларга қараганда анча ривожланган. Иккинчидан, сўнгги йилларда ҳудуддаги мактабларда олий маълумотли кадрлар етишмаслиги ва мутахассисларга юқори эҳтиёж кузатилиши боис, айни муаммони бартараф этиш зарурати тугилган эди.

— Ўтган йили филиалимизда 12 та таълим йўналиши бўйича 515 талаба таҳсил олган бўлса, бу йил улар сони икки баробар ошириш кутиляпти, — дейди Самарқанд давлат университети Ургут филиали директори, география фанлари доктори Кувондиқ Ярашев.

қатнаб ўқияпти. Келиним дарсларда фаол қатнашиб, уй ишларига ҳам бемалол улғуради. Бундай имконият қадрига етмай, шукронасини қилмай бўладими?!

Афсуски, айрим илмсиз, жоҳил оилалар ҳаётнинг пасту баландини тушуниб етмасидан қизларини 16-17 ёшдаёқ турмушга узатиб юбораётган, охир-оқибатда кўплаб ажримларга сабаб бўлаётган эсада, замонавий қийрайдиган ота-она, қайнота-қайнона, куёвлар ҳам кўпайиб борапти. Ўз навбатида, хотин-қизларнинг таълим олиши, касби бўлиши учун қоғозда эмас, амалда имкониятлар, енгилликлар яратилмоқда.

Талабаларнинг соғлом турмуш тарзига риоя этиши учун шaroит яратиш, шунингдек, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тизimini такомиллаштириш борасида



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ҲАМ ҚИЗИҚАРЛИК УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

— Профессор-ўқитувчиларимиздан 1 нафари фан доктори, 3 нафари фан номзоди, 11 нафари фалсафа доктори.

Филиалда хотин-қизларнинг таълим олишига алоҳида эътибор қаратилляпти. Чунки киз бола олий маълумотли, юқори билим ва салоҳият эгаси бўлса, келгусида фарзандларини ҳам баркамол қилиб тарбиялайди. Шу боис, юртимиз раънақи мана шундай кенг дунёқарашли хотин-қизларга ҳам боғлиқ.

— Илгори институт, университетлар биз яшайдиган ҳудуддан анча узоқда бўлгани учун фарзандларини ўқитолмаганмиз. Лекин мен ҳам болаларимнинг олий ўқув юртида ўқиб, ўқимини инсон бўлиши оруз қилардим. Туманимизда университет филиали очилганини эшитиб, жуда қувондим. Хурсандлигимдан ўзим бош бўлиб, келинимнинг ҳужжатларини шу филиалга топширттирдим. Инсон бирор нарсани чин дилдан хоҳласа, бутун олам унга ҳайрихоҳ бўлади, деганлари чин экан. Аввало, Яратганининг инояти, қолаверса, бутун оила аъзоларимиз билан келинимнинг ўқишга киришини чин дилдан сагандик. У ўтган йили талабалар сафига қабул қилинди. Бундан қанчалар хурсанд бўлганими билсангиз эди. Яхши ўқияпти келиним, бу йил 1-курсни тугатди, — дейди Ургут тумани Беш-капа қишлоғида яшовчи Исқандар Донийёров. — Филиалнинг очилиши биз учун жуда катта енгиллик бўлди. Аввал кимдир талаба бўлса, узоқ шаҳарга бориб, ижара уйларда сарсон-саргардон, оила аъзоларидан узоқда яшашга мажбур бўларди. Ҳозир ота-онасининг олдида, уйдан

ҳам филиалда бир қатор ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, иқтидорли ёшлар билан мунтазам ишлаш ва мақсадли тайёрлаш учун илмий тадқиқот билан шугулланиш истиадидаги йигит-қизлар учун “Еш илмий тадқиқотчилар”, “Креатив ёшлар”, “Еш дастурчилар”, “Еш иқтисодчилар”, “Интеллект” ҳамда спорт тугараклари ташкил этилган.

— Ўқишга киргач, талабаланинг ҳам ўзига яраша масъулияти бўлишини билдим, — дейди филиалнинг 2-курс талабаси Севинч Алпаназарова. — Талабалик ҳаётимдаги самарали ва ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Жумладан, мақсадларимга элтадиган имкониятлар эшигини очиб берди. Умуман, ҳар бир талаба ўзи танлаган йўналиш бўйича илмий ишлар тайёрлаши, янгилликлар яратиши, тинимсиз ишлаб, муайян соҳанинг етуқ малакали мутахассиси бўлиб етишиши мумкин. Мана шундай талабалар қатори мен ҳам катта имкониятлар чорраҳасида ўз ўрнимага эга бўлганимдан хурсандман.

Филиал фаолият бошлаганига энди бир йил тўлди. Кўп йиллик тарихга эга Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети қошида очилган Ургут филиалини кенг уммоннинг тоғлар бағридан макон толган, ўз йўлини топишга интилаётган ирмоғига қиёслаш мумкин. Мазкур олий таълим муассасаси кун келиб, туманда таълим соҳасини янада ривожлантиришга, ҳусусан, мактабларни олий маълумотли кадрлар билан таъминлашга муноси ҳисса қўлиши шубҳасиз.

Зарина РАҲМОНОВА, журналист

31 АВГУСТ — КАТАГОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

...Катта салоҳиятга эга етакчилар, олимлар, адиблар, шифокорлар, ўқитувчилар қатагон қилинган. Улар халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Мустабид тузумга миллат кўзини очадиган, унга ўзлигини танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Уларнинг айби — буюк бўлгани.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЮРТ УЧУН ЖОНИНИ ЖАҒОГА ҚЎЙГАНЛАР УНУТИЛМАЙДИ

ёхуд Ўрта Осиёда илк бадиий кинофильм қачон олинган ва унинг ташаббускори ким эди?

Анджон давлат университети тузилмасидаги Катагон қурбонлари хотираси музейи ходимлари томонидан Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрдаги "Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойишида кўзда тутилган долзарб вазифаларни бажариш юзасидан бир қатор ишлар олиб бориляпти.

Хусусан, музей илмий ходимлари томонидан Россия Федерацияси кино ва фотожурналистика архиви билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланиб, маъруза архивда сақланаётган, мамлакатимиз тарихига доир муҳим кинохроникалар музей ихтиёрига топширилмоқда.

Улар орасида андижонлик жаҳид, моҳир дипломат, давлат ва жамоат арбоби, совет ҳокимиётининг 1937-1938 йиллардаги муҳим "қатта киргин" сиёсати қурбони Абдураҳим Юсуфзодин ҳаёти ва фаолиятини ақс эттирувчи, аввал кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган 5 та кинохроника топиб ўрганилди ва илмий истеъмолга киритилди. Унда Бухоро халқ совет республикасининг Москвадаги муҳтор вакилиги биноси, муҳтор вакил А.Юсуфзодин, унинг турмуш ўртоғи Ойимчон Юсуфзода, ўғли Фотихбек, бухоролик таниқли жамоат арбобларидан бўлган Сафо Жўрабоев, шунингдек, муҳтор вакилликда фаолият кўрсатаётган бошқа ўзбек ходимларининг дипломатик фаолияти ақс этган.

Абдураҳим Юсуфзодин аслида ким эди? У 1880 йили Андижонда таваллуд топган. 22 ёшида саводи чиққач, Андижондаги мадрасага қабул қилиниб, 3 йил араб тилини ўрганган. 1895 йил ўқини давом эттириш учун Бухорога бориб, 15 йил ўқиган. Зехни ўткир, ақлу заковатли, ахлоқ-одобда ибрални Абдураҳим мадраса аҳли ҳурматини қозонди, мударрислар ишончи, эҳтиромига сазовор бўлди. Илм дароҳини тамомлагандан сўнг маъруза мусулмон олий мактабда мударрислик қилди.

1912 йилдан Бухорода вужудга келган тараққиётчиларнинг яширин жамиятида ишлаб бошлаган. 1917 йилгача Бухородаги Аёзбей мадрасасида талабаларни ўзбек, араб ва форс тилларига ўргатган. Бухорода юзага келган жаҳидчилик ҳаракати, ундан ўсиб чиқиб, амрирлик салтанатини ларзага келтирган "Еш бухороликлар" Бухорода амрирлик тузумига барҳам беришда муҳим роль ўйнади. Илғор фикрловчи, араб, форс ва рус тилларининг моҳир билимдон сифатида ўша давр зиёлилари орасида катта мартабага эришган А.Юсуфзодин "Еш бухороликлар"нинг таниқли етакчиларидан бири бўлган.

А.Юсуфзодин 1917 йил апрелда Бухорода бўлган машҳур намойишни бевосита ташкил этган ва унда қатнашганлардан эди. Бехуда



қон тўкилгани учун А.Юсуфзодин ва бошқа вакиллар амир билан музокара учун қўшбег ҳузурига келадилар. Бироқ улар арқада ҳибсага олиниб, зиндонбанд этилади ва амир жаллодлари томонидан қаттиқ қалтакланади.

1920 йил 29 августда А.Юсуфзодин, Бешим Сардоров ва Ҳасан Алиевдан иборат Чоржўй инқилобий кўмитаси тузилди. А.Юсуфзодин шу йил Чоржўйда бўлган Бухоро Компартиясининг 4-қурултайида фаол қатнашди. БХСР ташкил бўлгандан сўнг у ҳукумат аъзоси — ер-сув ишлари халқ нозирини этиб сайланди. Бу номилида 3 ой давомида фаолият кўрсатгач, дипломатия хизматида сафарбар қилинган. Дастлаб 1921-1922 йилларда БХСРнинг Афғонистондаги муҳтор вакили бўлиб ишлаган. Қобулга бориш жараёни эсдаликларидега ёзиб қолдирган.

А.Юсуфзодин Қобулда элчи бўлиб турган даврада сиёсий аҳвол ниҳоятда оғир эди. Афғонистонда Бухоро жумҳуриятига қарши кураш олиб борувчи турли қўчлар мавжуд эди. У бир неча бор Афғонистон амираи Омонуллоҳ билан учрашиб, икки ўртадаги вазифаларни бажариши кўрсатилган эди: Бухоро Халқ Совет Республикасининг тарихий ва санъат ёдгорликларини тадқиқ этиш ва илмий рўйхатга олиш, вайрон бўлган ва бўлаётган ёдгорликларга нисбатан шўшинч таъмирлаш чораларини кўриш учун режа ва лойиҳа ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини кузатиш, муҳим ёдгорликларни илмий жиҳатдан ўлчаб, расмга олиш, Бухорода бадиий ва бадиий-хунармандлик музейи ташкил этиш, бунинг учун смета тузиш, ҳуқуқат тасдиқдан ўтказиш.

Мазкур шартноманинг 1-4-бандларини амалга ошириш учун Гинзбург Бухорога 2-3 ой муддатга келиши, кейинчалик агар Бухоро ҳукумати бу ишни мунтазам олиб боришини лозим кўрса, йилга бир мартадан кўпроқ келиб, иш юзасидан назорат олиб бориши мумкин бўлади. Гинзбург ҳаммасилари билан Бухорога келди, тарихий ёдгорликлар билан яқиндан танишди, ўрганади, таъмирлов ишларини бошлаб

ниб, уларнинг қатъий талаби билан А.Юсуфзодин ўз лавозимидан қўйроқ лавозимга ўтказилди. 1923 йил апрелдан 1924 йилнинг 12 мартига А.Юсуфзодин БХСРнинг Москвадаги муҳтор вакили бўлиб фаолият кўрсатди. Элчилик фаолияти даврида у Бухоро республикасининг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётига кўп куч сарфлаган, РСФСР ва СССР билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Унинг ҳаракати туфайли Москва шаҳри Красная Пресня райони БХСР билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиб, делегациялар алмашган.

Абдураҳим Юсуфзодин 1924 йил бошларида Москвада рус ва ўзбек тилида "Бухарская жизнь" ("Бухоро ҳаёти") журналин очиб, ўзи муҳаррирлик қилган. Журнал саҳифасида Бухоро ва унинг тарихи, тақдирини, истиқбол ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилганли, улар ҳозир ҳам илмий аҳамиятга мولик.

Муҳтор вакил А.Юсуфзодиннинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан БХСР Маориф нозирлиги ва "Севзакино" ташкилоти ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланиб, 1924 йил 12 апрелда Ўзбекистондаги илк киностудия — "Бухоро-Рус киножамаияти" ("Бухино") ташкил этилади. Урта Осиёдаги илк бадиий кинофильм — "Улим минораси" суратга олинган.

Шу билан бирга, Бухорои шарифнинг тарихий ёдгорликларини таъмирлаш гоёси ва амалиёти 1924 йилдаёқ Файзулла Хужаев билан Абдураҳим Юсуфзодин томонидан бошланган эди. Абдураҳим Юсуфзодин бу масала билан Москвада туриб ҳам фаол шугулланган.

Файзулла Хужаев ва Абдураҳим Юсуфзодин ташаббусига кўра, машҳур профессор М.Я.Гинзбург билан тузилган шартномага мувофиқ, олим ходимлари билан Бухорога келиб, қўйидаги вазифаларни бажариши кўрсатилган эди: Бухоро Халқ Совет Республикасининг тарихий ва санъат ёдгорликларини тадқиқ этиш ва илмий рўйхатга олиш, вайрон бўлган ва бўлаётган ёдгорликларга нисбатан шўшинч таъмирлаш чораларини кўриш учун режа ва лойиҳа ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини кузатиш, муҳим ёдгорликларни илмий жиҳатдан ўлчаб, расмга олиш, Бухорода бадиий ва бадиий-хунармандлик музейи ташкил этиш, бунинг учун смета тузиш, ҳуқуқат тасдиқдан ўтказиш.

Мазкур шартноманинг 1-4-бандларини амалга ошириш учун Гинзбург Бухорога 2-3 ой муддатга келиши, кейинчалик агар Бухоро ҳукумати бу ишни мунтазам олиб боришини лозим кўрса, йилга бир мартадан кўпроқ келиб, иш юзасидан назорат олиб бориши мумкин бўлади.

Гинзбург ҳаммасилари билан Бухорога келди, тарихий ёдгорликлар билан яқиндан танишди, ўрганади, таъмирлов ишларини бошлаб

юборади. Бухоро ҳукумати раиси Файзулла Хужаевга маъруза хати билан муножот қилади. Унда Халқ маорифи нозирлиги, тарихий ва санъат ёдгорликларини муҳофазга қилиш ҳаёти билан келишилган ҳолда эски Бухородаги ноёб тарихий обидаларни муҳофазалаш бўйича 3 ходимдан иборат доимий ҳайъат ташкил этиш, кўзланган мақсадга эришиш учун ҳар йили 3-4 ой муддатга 5 нафар тажрибали, ишчан мутахассисдан иборат махсус ишчи гуруҳ Бухорога келиб, бу мураққаб ва масъулиятли иш билан шугулланиши мақсадга мувофиқлиги кўрсатилади.

Биринчи навбатда, таъмирга ниҳоятда муҳтож бўлган Султон Исмоил масжиди, Улуғбек мадрасаси, Абдулазиз жомеъ масжиди, Қўқалдош мадрасаси каби 17 та тарихий обидани таъмирлашга киришилади. Бу борада талайгина ибратли ишлар қилинади. Аммо 1924-1925 йилларда Урта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгач, бу хайрли ишлар тўхтаб қолади.

51 ёшида А.Юсуфзодиннинг саломатлиги ёмонлашиб, ногирон бўлиб қолади. УзССР ХКС раиси Файзулла Хужаевнинг саъй-ҳаракатлари билан нафақа тайинланган А.Юсуфзодин 1936 йил 22 майда Самарқанд шаҳрида НКВД ходимлари томонидан ҳибсага олинади. Унга нисбатан тўхмат ва бўҳтонлардан иборат айблов эълон қилиниб, 5 йилга озоликдан маҳрум этилади. Аммо 1937-1938 йиллардаги "қатта киргин" жараёнида унга нисбатан қайтадан жиноят иши очилиб, 1937 йил 11 апрелдан 14 октябрга қадар НКВДнинг махсус камераларида бир неча бор сурункасига тергов қилинади. Тергов баённомалари кўздан кечирган ҳар бир инсоннинг вужудини титроқ босади, раққа азобга тушади, қаттол тузумга нафрати ортади. Маҳбус А.Юсуфзодин "Миллий иттиҳод" номи аксилқилобий, миллатчи ташкилотга мансубликда айбланган. У оғир ботибонлига қарамай, терговчининг саволларига жавоб беришга мажбур қилинади. УзССР НКВД ҳузуридаги "учлик"нинг 1937 йил 14 октябрдаги қарори билан Ўзбекистондаги аксилқилобий ташкилотлардаги иштироки ва советларга қарши ишчи гуруҳи 13 нафар ўзбек фарзанди отувга ҳукм қилинади. Ҳукм 1937 йил 25 октябрда ижро этилди. Уларнинг бири Андижон фарзанди Абдураҳим Юсуфзодин эди.

Орадан 28 йил ўтиб, 1965 йил 22 сентябрда муҳдир "учлик"нинг 1937 йил 14 октябрдаги ҳукми бекор қилинади. Абдураҳим Юсуфзодин қонуний йўл билан оқланади.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор,
Азизбек МАҲҚАМОВ,
Андижон давлат университети
тузилмасидаги Катагон
қурбонлари хотираси музейи
катта илмий ходими



Туркий халқлар тилида географик атама хисобланган "Мўйин" сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида "бойнок" — "тоғ бўйни" деб изоҳланади. Мўйноқлик кексалар эса илбарни денгизга туташиб кетган қирғоқ олисдан оқариб кўзга ташланганиданми, бу манзилнинг "мўйини (яъни бўйни оқ)" деб аталганидан сўзлайди.

"ЯНГИ МЎЙНОҚ" КИТОБИНИ БИР ВАРАҚЛАҢ...

Давлатимиз мустақиллигининг 32 йиллик тантанаси арафасида чоп этилган "Янги Мўйнок" номли китоб-альбоми халқимиз учун ўзига хос туғфа бўлди. Қорақалпоқ, ўзбек, рус, инглиз тилларида ва ўзига хос дизайн, юқори матбаачилик талаблари даражасида нашр этилган 330 саҳифадан ортиқ китоб-альбомда Мўйноқ тарихи ва бугуни ҳақида юқоридагидек қизикарли маълумотлар берилган.

Табдир Республика Маънавият ва маърифат маркази, Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси, "Маърифат" тарғиботчилик жамғари ҳамкорлигида ташкил этилди. Китобда утган аср ўрталарида Орол денгизининг қуриб бориши оқибатида келиб чиққан муаммоларнинг аччиқ фожиалари, денгиз чекиниб, шўрланган ер, сув, ҳаво одамларнинг саломатлиги ва турмуш тарзига пур таъсир этганлиги, Янги Мўйноқда қад рўстлаган замонавий ўйлар, ҳибсон ва меҳмонхоналар, бочка-мактаблар, янги қорхоналарда ишлаб чиқарилаётган экспорт маҳсулотлари, худудда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгариш ва янгилаштириш ўз ифодасини топган.

— Ҳар бир даврнинг халқ қаҳрамонлиги, умумхалқ сафарбарлигини тақозо этадиган воқеалар кўп. Катта Фарғона каналининг қурилиши, Мирчаўлининг ўзлаштирилиши чинакамаи халқ қаҳрамонлиги эпосеясига айланган бўлса, Мўйноқнинг бугуни қиёфасини яратиб янги Ўзбекистон даврининг ўзига хос халқ қаҳрамонлигини ифода этадиган воқеалардан бири бўлди, — дейди сиёсий фанлар доктори, профессор Назрулла Жўраев. — Мўйноқнинг энг янги тарихи солномаси бўлган китобнинг асосий ютуқларидан бири — худуддаги аввалги вайронлар билан ҳозирги замонавий қиёфа манзараларини ёнма-ён қўйилгани. Шунингдек, китоб қорақалпоқ халқининг бугуни ҳаёти, руҳияти, эртанги қунага муштини ақс эттирган.

Китоб Мўйноқнинг кеча ва бугуни, тарихий ўзгаришлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида эришилган натижалар, бир пайтлар унутилиб, эътибордан четда қолган манзилга яна жўшқин ҳаёт қайтанидан хикоя қилади. Собиқ иттифок даврида Урта Осиёда қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжи учун қўчларнинг аёвсиз ўзлаштирилиши, сув қўл талаб қилдиган пахта етиштиришга зўр берилиши каби сабаблар билан Орол фожияси юзага келгани айтилади.

"Янги Мўйнок" китоб-альбоми бугун Мўйноқдаги ўзгаришларни кўриб, кўнглим кўчиб кетган ота маконга қайтиб кела бошлагани, одамларнинг кайфияти тубдан ўзгариши замирида қанчадан-қанча инсонларнинг машаққатли меҳнати этганига ишончи билан, аниқ бир ишорадир, десак муболага бўлмайди.

Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, кимки ислохотларимиз самарасига шубҳа қилса, Мўйноққа келиб қурсин!

Бизнингча, Мўйноққа бора олмаганлар "Янги Мўйнок" китобини бир варақласин!

Муножат МЎМИНОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ҲИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

МАЪНАВИЯТ

Халқимиз ўғитларида инсонларга қўлимиз билан яхшилик қила олмасак, ширин сўзимиз, меҳрумуҳаббатимиз ила ҳиммат кўрсатишимизда ҳам улкан эзгулик, савоб борлиги таъкидланади.

Жиззах вилояти мусиқали драма театри жамоаси томонидан вилоят Оила ва хотин-қизлар, Ички ишлар, Камбағалликни қисқарттириш ва бандлик бўлими билан ҳамкорликда "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар учун икки ҳафталик бекуп спектакллар намойишининг йўлга қўйилиши байрам олдидан чинакам маънавий туғфа бўлди.

16 августдан 30 августга қадар давом этадиган бу эзгу ташаббуснинг яна бир муҳим жиҳати, хотин-қизлар ўртасида ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, уларнинг маънавий-маданий завқ олишига эз бўлса-да, ҳисса қўшилиши.

Лойиҳанинг илк куни театр жамоаси Пахтакор туманида томошабинларга "Танҳо юлдуз" спектаклини ҳавола этди. — Спектакллар 12 та тумандаги маданият марказларида, шаҳарда эса

Театр ташаббус билан чиқди

театр биносида намойиш этилади, — дейди театр раҳбари Ғулном Дарҳонов. — Аввал ҳам мана шундай лойиҳани нуронийлар билан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси касабга уюмчалари ходимлари билан бирга амалга ошириб, бутун вилоят бўйлаб спектакллар намойиш этгандик. Бу йилнинг ҳисобидан мазкур лойиҳа иккинчи марта амалга оширилди. Маънавий муҳаббат билан бўлиб ишлар бўлимлари томонидан қўлла берилди.

Намойиш этилиши мўлжалланган спектакллар қаторида театр бош режиссёри Шоҳруҳ Йўлдошев сахналаштирган Туроб Тула асари — "Нодирабегим" спектакли алоҳида ўрин тутди.

— XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган ўзбек мумтоз адабиётининг етук намояндаларидан бири Нодирабегимнинг мураққаб ҳаётига бағишланган мазкур асарда асосан, Қўқон хонлиги тахтига ўтирган 14 ёшли Муҳаммад Алихон даври хусусида сўз боради.

— Нодирабегим шоира бўлиш билан бирга, аввало, она. Шунингдек, ўзбек давлатчилиги бошқарувида давлат арбоби сифатида гавдаланади. Томошабиннинг



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ҲИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

оилага, ватанга бўлган муҳаббат туйғуларини янада жўнбушга келтиради, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдураим Лапасов. — Бу спектаклда мен Ҳожидарга образини ижро

патдан жабр кўрган буюк шоирамизнинг изтиробларга тула машаққатли ҳаёти тарихий фактлар асосида бадиий ифода этилган.

Уғли ёш бўлгани боис, Нодирабегим мамлакатини бошқаришда Муҳаммад Алихоннинг ёнида туради. Ўз халқининг озод ва бахтиёр яшашини доимо орзу қилиб ашаган шоира айнан мана шу даврда, яъни 1822 йилдан то 1842 йилга қадар юрт тинчлиги, ободлиги йўлида улкан ишларни амалга оширди. Саройдаги азалий зиддиятларга қарамай, адабиётнинг юксалиши, давлатчиликни ижтимоий ва иқтисодий равақат топтириш йўлида қанчалик мураққаб бўлмасин, бирмунча муваффақиятлар қозонади.

Мана шундай буюк сиймоларимизнинг жасоратини кўрганда ҳар биримиз беихтиёр ғурурланиб кетамиз. Театрга тез-тез келиб, тарихий спектаклларни томоша қилишимиз, шу орқали аждодларимиз ҳақида кўпроқ билишимиз кераклигини ҳис қиламиз.

Ўз таассуротларини баён қилган Зулайхо Рузиқуллова "Маҳалла фуқаролар йиллиғини томонидан биз, аёлларга бундай эътибор берилиб, театрға бепул кириш имкони яратилганидан

хурсандимиз. Ўзингиз биласиз, қишлоқ аёли уй юмушларидан ортиб, шаҳар марказига спектакль кўриш учун боришга имкон топавермайди. Лекин туманимизнинг ўзида қўйлаётган спектаклни кўргани жон деб бордим. Томошадан кейин бошқа аёлларнинг ҳам юзларида қувончни кўриб кўнглим янада кўтарилди. Бунинг учун шу ташаббус бошида турганларнинг ҳаммасига раҳмат айта-миз", деди ўз маннулигини ифода қилди.

— Театрни ҳаёт ойнаси деб беҳиз таърифлашмаган. Уларда ижро этилаётган ҳар бир асарда биз ўз ҳаётимиз, турмушимизни, тарихимизни кўраемиз. Томошабинлар билан юзма-юз ижро этилган саҳна асарлари бошқа санъат асарларидан кўра, бутунлай бошқача таъсир кўрсатади. Спектаклларимизга келган одамларнинг таассуроти, ҳаяжони, қувноқ ёки ўйчан ҳолатга тушгани кайсидир маънода хизматларимиз самарасини ифода этади. Буларнинг бари уларни фикрлашга, ҳаётга янада теран назар ташлашга ундагани аниқ, — дейди театрнинг адабий бўлим мудири Чарос Маннонова.

Жиззахлик хотин-қизлар учун "Нодирабегим", "Танҳо юлдуз" асарларидан ташқари "Туйлар муборак!", "Баҳодир", "Бўёқчи" каби спектакллар намойиши кўзда тутилган.

Муножат РАҲИМЖОН қизи,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДУК
Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**
МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Таҳририятга келган қўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Навр индекси — 236. Буюртма Г-846.** 43690 нусхада босилди. **Ҳажми — 3 табоқ.** Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоиси келишилган нарҳда.
"ШАРҚ" нарийот-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов Мусахҳ: Малоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рузиев
Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎзА якуни — 21:50 Топширидги — 00:05